ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

# “ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

# “АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Тошкент фармацевтика институти Илмий кенгашининг
13.10.2009 йилдаги 3-сон қарори билан чоп этишга тавсия этилган

# Сульфас таблеткасини эришини аниқлаш

А.Д.Таджиева
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: дориларнинг терапевтик унумдорлигига биологик, биокимёвий ва фармацевтик омиллар бевосита таъсир қилади. Фармацевтик омилларни ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга. Қаттиқ дори турларининг биосамарадорлиги тайёр маҳсулотнинг парчаланиши, эриши ва дори модда-ларни дори шаклларидан ажралиб чиқиш тезлигига боғлиқ бўлади. Таблеткаларни терапевтик самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашда тажриба лар in vitro ва in vivo усулларида амалга оширилади. In vitro усули бирмунча оддий, қулай, тез ва аниқ бажарилгани учун кенг миқёсда ишлатилади. Фармакологлар томонидан сульфас таблеткасини турли шамолаш касаллигини даволашда ишлатишга тавсия этилган. Сульфас таблеткаси сульфадимезин (0,25г), аскорбин кислотаси (0,05г), ёрдамчи моддалардан (крахмал ва кальций стеарат) иборат.
Усуллар: сульфас таблеткаси таркибидаги таъсир этувчи моддаларни муҳитга ажралиб чиқиш тезлигини аниқлашда XI ДФсида келтирилган усулдан фойдаланилди.
Натижалар: сульфас таблеткасини таркибидаги биофаол моддаларни муҳитга ажралиб чиқишини ўрганиш алоҳида муҳитларда олиб борилди. Таблетка таркибидан сульфадимезинни муҳитга ажралиб чиқиш тезлигини аниқлашда “Айланувчи кажава” асбобининг идишига 500,0 мл 0,1 моль/л хлорид кислотаси, аскорбин кислотани муҳитга ажралиб чиқишини аниқлашда эса тозаланган сувдан фойдаланилди. Икки ҳолатда ҳам кажавага 1донадан таблетка тортиб солинди, кажаванинг айланиш тезлиги дақиқасига 100 маротабани ташкил қилди. 45 дақиқадан сўнг эритма қат- қат қоғоз фильтр орқали фильтрланди. Фильтратларнинг бошланғич 10-15 мл миқдори ташлаб юборилди. Сўнгра биофаол моддаларнинг миқдори таклиф этилган усуллар бўйича текширилди. Сульфадимезин миқдори спектрофотометрик усулида, аскорбин кислотасини миқдори йодометрик усулида аниқланди. Сульфас таблеткаси таркибидан 45 дақиқа давомида ажралиб чиққан сульфадимезин ва аскорбин кислотанинг миқдори 75% дан юқори бўлиб, тегишли МҲ талабига жавоб бериши аниқланди.
Хулосалар: мураккаб таркибли сульфас таблеткасини терапевтик самарадорлиги in vitro тажрибаларида ўрганилди ва ижобий натижалар олинди.